


# Халқ Сўзи



1991 йил 1 январдан  
чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

23 март, пайшанба, 1995 йил  
Сотувда эркин нархда. № 57 (1059)


## ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

22 март куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Миср Араб Республикасининг диний ишлар вазири Муҳаммад Али Маҳжубни қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон билан Миср ўртасидаги иқтисодий, маданий, жумладан, диний соҳадаги ҳамкорлик ҳам тобора ривожланиб бораётганидан мамнунлигини айтди. Узро ҳамкорликни янада раванг топтириш мамлакатларимиз халқлари манфаати учун хизмат қилишини таъкидлади.

Муҳаммад Али Маҳжуб самимий қабул учун миннатдорлик изҳор қилди. У икки мамлакат халқлари ўртасидаги тарихан қадим муносабатлар ривожланиши билан беvosита боғлиқлигини, бу дўстлик ва ҳамкорликни ривожлантиришда муҳим омил бўлишини таъкидлади.

Қабул маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти



СУРАТДА: қабул пайти.

Р. ЖУМАНИЕЗОВ олган сурат.

зидентининг Давлат маслаҳатчиси Х. Жўраев, Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги дин ишлари бўйича қўмита раиси А. Абдулаев иштирок этди.

Қабул чоғида Миср Араб Республикасининг Ўзбекистондаги муваққат ишлар вакили Абдулгани Муҳаммад Абдулгани ҳозир бўлди.

Тондаги муваққат ишлар вакили Абдулгани Муҳаммад Абдулгани ҳозир бўлди.

## ОЛИЙ МАЖЛИСДА УЧРАШУВ

22 март куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси Эркин Халилов мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Европа Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти парламент ассамблеяси вице-президенти, Германия бундестаги депутаты Вилли Виммер раҳбарлигидаги делегация аъзолари билан учрашди.

Э. Халилов меҳмонларга республика Олий Мажлиси фаолияти ҳақида қисқача сўзлаб берди. Ўзбекистон ва Германия парламентлари ўртасидаги алоқаларнинг мустаҳкамланиши мамлакатларимиз ҳамкорлигининг ривожланишига хизмат қилишини таъкидлади.

В. Виммер ташрифдан мақсад Германия бундестаги билан Ўзбекистон Олий Мажлиси ўртасида ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш эканини айтди.

Шу кунги делегация аъзолари республика Ташқи ишлар вазирлигига ҳам ташриф буюришди.

(ЎзА).

## ТОҒПИ ҚИШЛОҚЛАР ГАЗПАШТИРИЛМОҚДА

Кейинги уч йил ичида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қишлоқ аҳолисини табиий газ ва ичимлик суви билан таъминлаш тўғрисидаги Фармони асосида тоғли қишлоқларда катта ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар рўй берди.

Жумладан, йигирма битта қишлоқда яшовчи чўпонлар, галлақору соҳибдорларнинг 2600 хонадони «зангори олов»дан баҳраманд бўлишди. Яқинда «Бустон» ширкатлар уюшмасининг Муллабулоқ, Тепа қишлоқлари ҳам газ уланди.

Шунингдек, еттига қишлоқ ичимлик суви билан таъминланди. Айниқса, Қўйтош ва Маржонбулоқ қончилари бундай гамхўрликдан хурсанд.

Х. НАБИРАЕВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

## САМИМИЙ ҚУТЛОВ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Мухтарам Ислам Абдуганиевич, гўзал баҳор байрами — Науруз билан чин қалбдан табриқлайман. Халқларимиз учун умумий бўлган мана шу байрам кунда бахт-саодат, эзгулик, тинчликдан иборат энг яхши тилакларимни қабул этгайсиз. Янги мустақил давлат барпо қилган қардош Ўзбекистон халқига ҳар доим хурсандчилик ва фаровонлик ёр бўлсин.

Камоли эҳтиром ила,

Нурсултон НАЗАРБОЕВ,  
Қозоғистон Республикаси Президенти.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

### А. Н. ИСАЕВГА «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ҚУРУВЧИ» ФАХРИЙ УНВОНINI БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Қўп йиллик ҳалол меҳнати, республикада капитал қурилиши ривожлантиришга қўшган катта ҳиссаси ва жамоат турмушида фаол қатнашаётганлиги учун «Ўзмон-тажмаҳсуқурилиш» уюшмасининг раиси Анатолий Нигматович Исаевга «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қурувчи» фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,  
1995 йил 22 март.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING РЕФЕРЕНДУМИДА ОВОЗ БЕРИШ ТАРТИБИ

Ўзбекистон Республикасининг Референдуми тўғрисидаги Қонуннинг 23-моддасига биноан овоз бериш 1995 йил 26 март куни эрталаб соат 7 дан кеч соат 20 гача ўтказилади.

Овоз берувчи фуқаро овоз бериш биносига кел-

гач, участка комиссиясининг аъзосига ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатади ҳамда овоз берувчилар рўйхатига имзо қўяди.

Шундан кейин унга овоз бериш учун бюллетень берилади.

Бюллетень олган овоз берувчи Референдум тўғрисидаги Қонуннинг 24-моддасига мувофиқ, Референдумга киритилган мазмунли ёқлаб овоз бермоқчи бўлса, бюллетендаги савол матнини ўқиймайди эки бюллетенни участка

комиссиясидан қай ҳолда олган бўлса шундайлигича овоз бериш қутисига ташлаш билан ўз фикрини билдиради.

Қарши овоз берилганда эса бюллетендаги савол матни ўқийлади. Айрим овоз берувчилар

саломатлигининг яхши эмаслиги ёки бошқа сабабларга кўра овоз бериш биносига кела олмаганлари тақдирда, уларнинг илтимосига кўра участка комиссияси овоз беришни ана шу овоз берувчилар турган жойда ташкил этади.

Бюллетень қонун талабларига кўра давлат тилида ҳамда тегишли округ комиссияларининг тақлифларига биноан ўзбек-рус, ўзбек-қорақалпоқ, ўзбек-қорақалпоқ-рус тилларида тайёрланган.

Ўзбекистон Республикаси Референдумида овоз бериш учун

## БЮЛЛЕТЕНЬ

1995 йил 26 март

«Сиз Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколатлари муддатини 1997 йилдан 2000 йилгача узайтирилишига розимисиз?»

Қарши овоз берилганда саволнинг матни ўчириб ташланади.

Ўзбекистон Республикаси Референдумида овоз бериш учун

## БЮЛЛЕТЕНЬ

для голосования на Референдуме Республики Узбекистан

1995 йил 26 март

26 марта 1995 года

«Сиз Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколатлари муддатини 1997 йилдан 2000 йилгача узайтирилишига розимисиз?»

«Согласны ли вы продлить срок полномочий Президента Республики Узбекистан с 1997 до 2000 года?»

Қарши овоз берилганда саволнинг матни ўчириб ташланади.

При голосовании против текст вопроса зачеркивается.

## Иқтисодийт янгиликлари

### АСАКАНИНГ УТ УЧИРГИЧЛАРИ

6-автомобиллари таъмирлаш заводи ишбилармонлари иқтисодий таъчиллики бартараф этиш йўлида дадил қадам ташлади.

Улар вилоят ички ишлар бошқармасининг ён-гиндан сақлаш бўлими билан келишилган ҳолда кимёвий кўпикли ўт учиргичлар чиқара бошладилар. Маълумки, худди шундай буюмлар авваллари Россия ҳамда Украина давлатларидан келтирилди. Янги мослама республика Ички ишлар вазирлиги қармоғидаги лаборатория

ҳамда стандартлаш маҳкамасида синовдан ўтказилган. Ишбилармонлар эндиликда «Зил-130» машинаси базасида ўт учиргич техникасини ишлаб чиқаришни режалаштирмоқдалар. Ниятлар амалга ошса, янги техника Марказий Осиё давлатлари учун асқотса ажаб эмас.

Ф. ШОДМОНАЛИЕВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЛЮТА БИРЖАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Валюта биржасида 1995 йил 22 март куни бўлиб ўтган савдода Ўзбекистон Республикасининг хоржий валютада операцияларни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган ун учта банки иштирок этди.

Сотув ҳажми 12,75 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бир АҚШ долларининг қиймати — 25,00 сўм даражасида қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1995 йил мартдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хоржий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади: \*)

1 Австралия доллари	18,19
1 Австрия шиллинги	2,53
1 Англия фунт стерлинги	39,66
1 Бельгия франки	8,60
1 Голландия гульдени	15,82
1 Греция драхми	1,08
1 Дания кронаси	4,44

1 АҚШ доллари	25,00
1 Миср фунти	7,35
1 Ирландия фунти	39,59
1 Исландия кронаси	0,39
1 Испания песети	1,93
100 Италия лираси	1,47
1 Канада доллари	17,84
1 Кувайт динари	84,57
100 Ливан фунти	1,53
1 Германия маркаси	17,74
1 Норвегия кронаси	3,98
10 Португалия эскудоси	1,68
100 Туркия доллари	17,67
1000 Туркия лираси	0,60
1 Финляндия маркаси	5,71
4 Франция франки	5,01
1 Швейцария франки	3,45
1 Швейцария франки	21,33
1 ЭКЮ	32,31
10 Япония енаси	2,81
1000 Россия рубли	5,18
1 Эстония кронаси	2,23
1000 Украина карбованеци	0,18

1 Латвия лати	48,17
1 Литва лити	6,25
1 Қозоғистон тенгеси	0,41
1 Молдова леи	5,66
1000 Беларусь рубли	2,14

Марказий банк 1995 йил 23 мартдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси маҳсуус пул алмаштириш пунктларида фойдаланиш учун нақд АҚШ долларининг қуйидаги тижорат қийматини белгилади:

— Сотиб олиш қиймати: 1 АҚШ доллари — 25,00 сўм.

— Сотиб олиш қиймати: 1 АҚШ доллари — 25,00 сўм.

Хоржий валютани сотиш чоғида сўм билан восита ҳақи олинади.

\*) — Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушиб қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

ЯНГИЛИКЛАР \* ФАКТЛАР \* ВОКЕЛАР

**ЎЗБЕКИСТОН**  
**ИСТИҚБОЛ ОДИМЛАРИ**  
«Халқ сўзи» ва УЗА мухбирлари хабар қиладилар

## «ГРИФОН» СОВРИНДОРЛАРГА ТОПШИРИЛДИ

Республика киночилар уйида Ўзбекистон Кинематографчилар уюшмасининг Наби Ғаниев номидаги «Грифон» совриндорларни топшириш маросими бўлди.

Маросимда 1993—1995 йилларда яратилган энг яхши ҳужжатли, телевизион, мультитипикацион, илмий-оммабон ва мусиқали фильмлар муаллифлари, маҳоратли оператор, расом ҳамда композиторлар тақдирланди.

## ОДАМЛАР КЎНГИДАГИ ИШ БЎЛДИ

Избоскан тумани маркази — Пойтуғда Замонавий усқуналар билан жиҳозланган новвойхона ишга тушди. Бу ерда бир сменада 2,5-3 тонна ундан тўрт хилда нон маҳсулотлари тайёрланапти.

Суратда: новвой М. Расулова.

## «ГАЛАБА» БОГИ БАРПО ЭТИЛДИ

Фарғона «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли «Прогресс» ёрдамчи хўжалигида «Галаба» боғи барпо этилди.

У ердаги барча ишлар ҳашар йўли билан бажарилди. Дастлабки ниҳолни уруш қатнашчиси Комил ота Холдоров ўтқазди.

## СОВРИНГА САКСОН МИНГ СЎМ

Тошкент вилояти Уртачирчиқ туманидаги «Истиқбол» жамоа хўжалигида қадимий ва навқирон Науруз байрами муносабати билан улоқ ўтказилди.

Совринга 80 миңг сўм пул, гилам, полос, от, туя, турли кийим-кечақлар тикилди. Кўпқарида нафақат туман, балки вилоятнинг турли чеккаларида келган моҳир чавандозлар юқоридagi соврин эгалари бўлишди.

## «ҚУНҒИРОТ» — ТАНЛОВ ҒОПИБИ

Қорақалпоғистон Маданият ишлари вазирлиги, «Гайхор» республика суурта компанияси ва Ўзбекистон Ёшлар иттифоқининг Қорақалпоғистон кўмитаси ёш эстрада қўшиқчиларининг кўрик-танловини ўтказди.

Элдикқалъа, Чимбой туманлари: Таҳиятош ва Нукус шаҳарларида бўлиб ўтган зонал танловларда 50 дан ортиқ эстрада гуруҳлари ва яккахон ижрочилар иштирок этди. Нукус санъат саройида танловнинг якуниловчи концерти бўлди. Танлов ғолиблари ва совриндорлари ҳам шу ерда аниқланди. «Қуңғирот» вокал-чолгу жамоаси, Нукуснинг «Оруз», Туртқўлининг «Гузаль» гуруҳлари совринли ўринларни олишди.

## ШОГИРДЛАРИ УСТОЗ БИЛАН ЁНМА-ЁН

Маматқул аканиннг Жиззах депосига ишга келганига роппа-роса йигирма саккиз йил тўлди. У бу давр ичида ўттиздан зиёд шоғирдлар тайёрлади. Фақат ўтган йили М. Алиқулов бригадаси ўн уч тонна ённингни тежашга эришди.

Суратда: М. Алиқулов.

## ЯНГИ ҲАВО ПУПИ ОЧИЛДИ

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси Тошкент — Амстердам, Амстердам — Тошкент йўналиши бўйича доимий авиақатновни йўлга қўйди.

Ўзбекистон байроғи рамиз тушурилган замонавий «А-310» самолёти илк бор Амстердам сари учди. Тошкент аэропортидан кўтарилган самолёт Франкфурт шаҳри орқали Голландиянинг Амстердам шаҳрининг «Шипхол» аэропортига қўнди. Мазкур авиақатновнинг очилиши Ўзбекистон — Голландия дўстлик алоқаларини янада ривожлантиришга хизмат қилади.

ЯНГИЛИКЛАР \* ФАКТЛАР \* ВОКЕЛАР





Тарихимиз зарварақлари

ҲАЗРАТ БАШИР КИМ ЭДИ?

Қизил салтанатнинг тоғи бошидан унча, ўтмиш маданиятимизга бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Тарихдунчи деб ноҳақ...

Ҳазрат Башир Косатарош қишлоғидаги Ҳужа Ҳасан оиласида дунёга келди. Зотан, бу зотнинг таваллуди Хуро...

Ҳазрат Башир (оналари Биби Малокат саксон ёнда бўлган) учун кўрағидан сунт келмаган, бешир — сутсиз катта...

Китобни ўқир эканмиз, айрим мулоҳазалар ҳам пайдо бўлдики, улар, асосан, нашр ва саналарга тегишлидир. Аввало, китоб форсадан ўзбек тилига анча эркин ўтирилган.

рингизга иршод берган бирорлар бордур», дейди. Агар унинг умрини шундан ҳисоб қилсак, яъни вафот этгани — 868 йилдан 70 йилни айирсак, 1394 йил келиб чиқади. Бу эса Сайид Аҳмаднинг Улуғбек билан бир вақтда тутилганлигини кўрсатади.

Маълумки, Амир Темур Ироқни 795 йилдан (1392—1393 йиллар) қўлга киритади. Демак, ака-ука Сайид Мир Барака билан Сайид Немаматуллоларнинг Самарқандга келиши шу даврда юз берди.

Нима бўлганда ҳам «Ҳазрат Башир тарихини» лоқайд ўқиб бўлмайди. Ўтмишимизнинг қанчалик маъноли, сирли ва маънавий юксакликка кўтарилганлигини аниқлашда ушбу асарнинг қиммати ва салмоғи бежиздир.

Поён РАВШАНОВ, Олим РАВШАНОВ, Қарши давлат университети ўқитувчилари.

Олам мунаввар бўлди Наврўздан



Қадимий ва навқирон Урганч шаҳрида ҳам Наврўз байрами жуда катта шоду хуррамлик билан нишонланади. Шаҳар ҳокимлиги ташаббуси билан барча қорхона ва ташкилотларда, ўқув юртларида, маҳаллаларда халқимизнинг улуг айёми меҳр-шафқат, эзгулик ва яхшилик шори остида ўтди.

СУРАТДА: байрам тантаналаридан лавҳа.

ҚИЗЛАР ЗУККОЛИГИ ЖОЗИБА БАХШ ЭТАДИ

Пойтахтимиздаги 4-болалар юқумли касалликлари шифохонасида Наврўз байрамига бағишланган «Балли қизлар» кўрик-танлови ва бадийлашган тантанали кеча бўлиб ўтди.

Тантанани таниқли раққоса Малика Аҳмедова раҳбарлигида «Ўзгаллик» мактабининг ёш раққосалари меҳмонлар кўнглини хушнуд эттишти.

Нилуфар МИРСАИДОВА.

ЁШЛИК ТАНТАНА ҚИПАДИ

Пойтахтимизнинг Талабалар шаҳарчаси ҳокимлигининг муовини Ширинқул Навиёв билан суҳбатлашдик.

— Ширинқул ака, шаҳарчада Наврўз байрами қандай нишонлади? — Ўзгаллик ва нафосат байрами — Наврўзи олам ёшлар шаҳарчасида ҳам кенг нишонланди.

— Байрам муносабати билан иқтидорлар, пешқадам талабалар ҳам рағбатлантирилди?

— Ҳокимлик бу масаллага алоҳида эътибор билан қаради. Барча олий ўқув юртининг пешқадам талабалари учун байрам стипендиялари жорий қилинган.

— «Халқ сўзи» мухбири Файзулла БОБОЎЎСТ суҳбатлашди.

Бизнинг мусоҳаба

Абдулҳалим НУРИМОВ, шифокор-кардиолог, Яқоббек туманида: — Бу йил Наврўз байрамини Тошкентда кутиб олшимизга тўғри келяпти.

Наврўз — янги кун, яшариш ва жонланish байрами. Наврўз ҳар бир хонадонга азали-азалдан олам-олам қувонч, кутбарак олиб келган.

Суратда: байрам тантаналаридан лавҳа.

ЮРГАН ДАРЭ...

Сирдарё вилоят ҳокимлиги «Вилоятда туризмни ривожлантириш тўғрисида» қарор қабул қилди. Унда минтақавий бўлимининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уни маълум қадрлар билан таъминлаш, вилоят марказида ҳозирги замон талаблари жаваб берадиган, хориқлик бунёдкорлар қўриқига ўрнатилган чет эллик сайёҳлар учун меҳмонхона ҳам белгилаб қўйилган.

Ортак СУЛТОНОВ.

Мунозара минбари

«Фамилия» лотинча сўз бўлиб, «оила», «авлод» деган маънони англатади. Ҳар бир миллатнинг ўзини унинг аввало фамилиясидан яққол кўриш мумкин.

Узбекона фамилия бўлганими, йўқми? Дунёдаги тарққий этан жуда кўп бўлиб кетган қатори ўзбек халқи ҳам ўз фарзандларининг исми-шарифини белгилаш аъёнасига эга бўлган.

«Неварамнинг муборак исми Мухаммад Тороғой бўлган».

Темур болага ўз отасининг исминини қўйди...

Ўзбек халқи тарихининг билимдонларидан бири, таниқли тарихчи олим Бурбой Аҳмедов ўзининг «Улуғбек» асарида буюк аллома Мухаммад Тороғой Мирзо Улуғбек Кўрағонийга исми қўйиш жараёнини шундай тасвирлайди.

Халқимизнинг машҳур кишилари ўз исмидаги оталарининг исми, оталарининг исмига тахаллуслари ёки тутилган қишлоқ-шаҳарларини қўшиб исми-шарифларини белгилашган: «Амир Темур биби Тороғой Мухаммад Баҳолидир», «Зайиқддин Абубакр Тойбодий», «Шарафиддин Али Яздий», «Шайх Абубакр Вароқ» ва бошқалар. Еки ўз исмида ва оталарининг исмига аниқлашган: Мухаммад Зоҳид, Сайид Абдулқодир ёки бобоисининг номи учинчи ўринда қўйилган: «Сайид Шариф Раҳим», «Сайид Мухаммад Сулаймон», «Ҳамза Ориф Аҳмад» ва ҳоказолар.

Бутун Шарқ миллатлари фамилия юртишининг юқоридаги каби хусусиятларига эгадилар. Бекорга Ҳамид Олимжон, Гафур Ғулум ўз номларини шундай деб аташмаган. Улар бу хусусда ўз фикрларини ошқ айти олмади, лоқайд ўз номларини шарқона тусда жаранглашганлар.

«Қизил империя» ҳукмронлиги даврида узбекона фамилияга ўтиш деярли мумкин эмасди, фамилиядаги «-ов», «-ев», «-евич», «-ович», «-евна», «-овна» қўшимчалари олиб ташлаш учун туман ижроия қўмитаси қарор чиқаришди, бу қарорга кўра жойлардаги ЗАГС бўлими тузилганлик тўғрисидаги гувоҳнома ни узгартиришди, шу асосда янги паспорт олиниши керак эди.

Мана, ниҳоят, мустақил нафас ола бошладик. Бирин-кетин миллий қадриятларимиз, топталган аъёнларимиз, урф-одатларимиз тиклана бошланди.

Ниҳоят, ўз паспортимизга эга бўлдик. Унда фамилияларимиз қандай эски элади? Шу савол билан Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси кириш-чиқиш ва фуқаролик бошқармаси бошлиғи Абдулла Маҳмадовга мурожаат этганимизда, у киши шундай деб жавоб берди: — Биз янги паспортни тузилганлик тўғрисидаги гувоҳномага ёхуд илгариги паспортга асосланиб ёзиб берамиз.

Бошқарманинг Юнусовд тумани бўлими бошлиғи Абдулҳалим Рустамов: «Биз бутун ўн олти ёшга тулган юзлаб ёшларга янги паспорт топширдик. Улар орасида паспортини ўзбекона ёзилишини истайдиганлар ҳам бор. Биз уларга тузилганлик тўғрисидаги гувоҳнома ни узгартириб келишимиз тавсия этганимиз», деди.

Х. НАБИРАЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ИЖОБИЙ ҲАЛ БЎЛИШИГА ИШОНАМИЗ

Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманида бўлиб, янги паспорт олаётган ёшлар, фахрийлар билан суҳбатлашдик, улар ўз паспортларида ўзбекона фамилия аке эътишини истаётганликларини билдиришди. Бу миллий оғимиз қанчалик уйғонганидан далолат бермайдими? — Биз қундалик ишимизда бу муаммага тез-тез ҳал қилаётишимиз, — дейди кириш-чиқиш ва фуқаролик бошқармасининг Мирзо Улуғбек тумани бўлими бошлиғи ўринбосари Қосим Ҳасанов. — Бу хусусда бизда ҳеч қандак кўрсатма йўқ.

Тўғри гап! Паспорт беришга бошбошқоқлик билан ёндашиб бўлмайди. Бу жуда масъулиятли иш. Бундан ташқари ҳали ўзбекона фамилия юртириш тўғрисида бир хил фикрга келингани йўқ. Баъзилар фамилиядаги «-ов», «-ев» ларни сақлаш ҳолда отасининг исмига «қизи» ёки «уғли» деган сўзларни қўшиб ёзишнинг ўзи қифов, деб ўйлашади. Бу яна миллий тарихимизга хилоф равишда чоғиштирма фамилия асашга олиб келади. «Уғли» ёки «қизи» сўзларини паспортга, тузилганлик тўғрисидаги гувоҳномага ёзиш шарт эмас: ўтмишда бу сўзлар кўпроқ мурожаат этилганда қўйилган. Кўпинча Шарқ мамлакатларида ўзининг, отасининг исмини ёзган ҳолда фамилия юртилади: «Нажиб Махфўз, Зулфиқор Бхутто, Зокир Мухаммад» ва ҳ. к.

Хуллас, агар авлодининг, бобосининг ҳам исми қўшиб ёзилган бўлса, унда фамилия уч сўздан ҳосил бўлади: биринчи ўзининг исми, иккинчи отасининг исми, учинчи бобосининг исми ёзилади: «Амин Фахриддин, Феруза Ҳидоят Мухаммад, Сайид Акрам Мели, Қосим Солиҳ Ҳасан» ва ҳ. к.

Биз ҳам ўз тарихимиздан, аъёнларимиздан келиб чиқиб, исм-шарифларимизнинг шарқона жаранглаши имкониятига эганимиз ва бу юмуш ижобий ҳал бўлишига ишончим комил.

Туроб МАҚСУД.

СПОРТ — ТИНЧЛИК ЭПЧИСИ

Жиззах вилоятида йил сайин спортга бўлган эътибор ортди.

Маълумки, ҳар бир соҳадаги муваффақиятнинг гарови иқтисоддир. Вилоят ҳокимлиги бундан ангаган ҳолда фақат туманлараро спорт муносабатларини ўтказишга ярим миллион сўм маблаг ажратди. Бундан рўхланган ҳомийлар ҳам қўл қовштириб ўтирганлариди йўқ. Халқаро ва республика чемпионатида Жиззах спорт шарафини ҳимоя қилувчиларга солиқ, газ ишлаб чиқариш, сув-оқша ташлимоти, электр тармоқлари бошқармалари, устки трикотаж бېлашмаси жамоалари ўз маблагларини жамлаб, бир миллион уч юз минг сўмдан зиёд пул берадиган бўдилар.

Х. НАБИРАЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«ТашОП» ҳиссдорлик жамияти жамовси «ТашОПМЗ» заводининг собиқ директори ЭДИН ХАТИПОВНИНГ оламдан ўтганини муносабати билан марҳумнинг қариноҳи-уруғлари ва ақилларига чўқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси бошқаруви Самарқанд вилоят бўлими раиси Абдулла Мелиёвга оғир вафот этганини муносабати билан чўқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент автомобиль ва йўллар институтининг ректорати ҳамда жамовси маданият, сивобатшунослик ва хуқуқ кафедрасининг доценти, юридик факультет номзоди, фахрий САНД ИСНОВНИНГ вафот этганини муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чўқур таъзия изҳор қилади.

YITCO logo and advertisement for Yitco firm. Text: «Якубниан Интернетнейшенл Шрейдни Корпорейшен» фирмаси Ўзбекистон Президенти ва барға аҳолисини, меҳмонларини баҳор байрами - Наврўз билан табриклайди ва омад, бахт-саодат фаровонлик пилайди! YITCO фирмаси фаолият бошлаганини маълум қилади. Фирма дўконининг манзили: Тошкент шаҳри, Ҳамза номли театрнинг қаршисида. Тел.: (3712) 44-21-72. Факс: (3712) 44-22-98.

ХАЛҚ СЎЗИ НАРОДНОЕ СЛОВО logo and address information.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси. Бош муҳаррир: Анвар ЖҰРАБОЕВ.

БЎЛИМЛАР: Парламент 33-57-34; Хатлар 33-07-48; Қишлоқ хўжалиги 32-07-94; Иқтисодий 32-36-65; Мавнавият 32-35-60; Ахборот 32-29-89; Тўғри муҳарририят 33-10-28.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 19-уй. Навбатчи муҳаррир — Э. Болнев. Навбатчи — Ғ. Эшмуродов.